

ШАРҚДА ПОРЛАЁТГАН ҚУЁШ

Узбекистон Республикаси уз мустақиллигини қулга киритгач, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, фундаментал тадқиқотларга жиддий эътибор бериш, кадрлар масаласи ҳамда ёшларимизнинг билимли, ижодкор, қобилиятли қилиб тарбиялашда укув юртларининг фаолиятини ошириш борасида жиддий ва самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Таълимни ислоҳ қилишда, ёшларимизни уқувли ва малакали кадр қилиб стиштиришда олий укув юртларининг урни бекиёс.

Узбекистон Республикаси Узбекистон Миллий университети тарбиялаётган, ҳар бир факультеттук мутахассис-олимларидан ташкил топган ҳамда Марказий Осиёда қўёшдек барқ уриб порлаётган Мирзо Улугбек номидаги Узбекистон Миллий университети ҳақида алоҳида тухталиш лозим.

Мамлакатимиздагина эмас, бутун Марказий Осиёда фаолият курсатиб турган куплаб илм-фан, таълим-тарбия, маданият, матбуот муассасаларининг сарчашмаси, муболагасиз, бизнинг университет булган.

Университетда талаба ёшларининг илм олишлари, изланишлари, ижод қилишлари ҳамда уз қобилияtlарини намоён этишлари учун кенг имкониятлар мавжуд. Ҳар йили университет факультетлари ва университет миқёсида илмий-амалий конференциялар утказилиб келинади. Ушбу конференцияда илмга чанқоқ ёшларимиз узларининг илмий изланишлари борасида фикр-мулоҳаза алмашадилар.

Шунингдек, университет ҳозирги кунда Россия Федерацияси, Англия, Франция, Германия, АҚШ, Япония, Корея, Голландия, Хитой каби мамлакатларининг факультетлари, илмий ташкилотлари ва таълим муассасалари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Мен ушбу университетнинг политология йуналишида таҳсил олмоқдаман. Университетимиз профессор-уқитувчилари томонидан берилаётган таълим-тарбия натижасида Алишер Навоий номидаги стипендия соҳиби булдим, йигирмадан зиёд илмий мақола ва политология йуналишида укув қулланма чоп эттирдим. Буни университетимни менга беряётган эътибори ва рағбати самараси деб биламан.

Университетимизда таҳсил олаётган ҳар бир талаба давлатимиз, миллатимиз, халқимизнинг ишончли фарзанди булишни ҳамда университетни ҳар жиҳатдан жаҳондаги энг илғор олий уқув юртлари қаторига олиб чиқишни орзу қиласи. Бу бизга таълим-тарбия беретган университет барча профессор-уқитувчиларининг мashaққатли меҳнати туфайлидир. Бу ҳаракатларга жавобан университетимнинг гуллаб-яшнашида уз ҳиссамни қушишга, олган билим ва тажрибаларимни амалиётда қўллашга, таълим борасида янгидан-янги талқиқотлар олиб боришга интиlamан.